

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПАТРУЛЬ-ПОСТ ХИЗМАТИНИНГ
МАҚОМИ ВА ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ**

*Шарипов Санжар Собирович,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг кафедре бошлиги,
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: sanjar_86_90@mail.ru
Султанов Азиз Абралович,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Академияси тадқиқотчиси*

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг мақоми ва улар фаолиятини бошқаришнинг моҳияти илмий таҳлил қилинган ҳамда мазкур хизмат зиммасига юклатилган вазифалар ва бу борада олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда «патруль-пост хизмати» ва «патруль-пост хизмати саф бўлинмалари», «Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқариш» каби тушунчаларига муаллифлик таърифлари берилган.

Таянч сўзлар: жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, патруль, пост, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масбул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда [1].

Ҳозирда республикамиз маъмурий-ҳудудий бирликларининг шиддат билан ривожланиб бораётганлиги муносабати билан унинг марказий кўчалари ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини ва хавфсизлигини ҳозирги замон

талабларига жавоб бера оладиган куч ва воситалар ҳамда усуллардан фойдаланган ҳолда самарали таъминлашга эҳтиёж сезилмоқда.

Шу сабабли, давлат раҳбарининг ташаббуси билан кейинги йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий қонун ҳужжатлари асосида ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди. Шу жумладан, ички ишлар органларининг мазкур фаолият билан шуғулланувчи таркибий тузилмалари фаолияти замон талаблари асосида қайта ташкил этилди.

Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш субъектлари орасида муҳим ўрин тутадиган патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини давр талаби асосида ташкил этиш, унинг асосий вазифа ҳамда функцияларини аниқ белгилаш ва тақсимлаш, шунингдек кўча ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш бу борадаги тизимли ишларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

Дарҳақиқат, В.В. Гордиенко тўғри таъкидлаганидек, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, одатда мазкур фаолиятни амалга ошириш вазифаси бир қатор субъектларнинг зиммасига юклатилади. Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш жараёнида иштирок этувчи субъектлар орасида патруль-пост хизмати асосий ўринни эгаллайди [2].

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар бир иштирокчиси ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлганидек, патруль-пост хизматининг ҳам ўтган давр ичида ўзига хос ҳуқуқий мақоми шаклланди. Патруль-пост хизматининг ҳуқуқий мақомини тўлиқ тушуниш учун назаримизда, авваламбор, «патруль», «пост», «патруль-пост хизмати» ва «патруль-пост хизмати саф бўлинмалари» тушунчаларининг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиш мақсадга мувофиқдир.

«Патруль» сўзи французча «patrouille» сўзидан олинган бўлиб, «қўриқчи», «қоровул» деган маъноларни билдиради ҳамда мазмунига кўра маълум ҳудуднинг хавфсизлигини таъминлаш ва тартибни сақлаш учун қўйилган қуролли кишилар ёки ҳарбий самолёт, кема кабилар гуруҳини англатади [3]. «Пост» сўзи ҳам французча «poste» сўзидан олинган бўлиб, «муайян жойга қўйилган» маъносини беради ҳамда мазмунига кўра «қўриқлаш ва мудофаа қилиш учун соқчига ёки соқчилар гуруҳига топширилган жой»ни англатади [3].

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, юридик адабиётлар ҳамда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида «патруль-пост хизмати» тушунчасига турлича таъриф бериш, унинг моҳиятини турлича талқин қилиш ҳоллари кузатилади. Хусусан, айрим юридик адабиётларда ушбу тушунчага «мамлакатда ва унинг маъмурий-ҳудудий бирликларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш,

хусусан шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳар қандай жинойй, маъмурий ва бошқа ғайриижтимоий тажовузулардан маъмурий-ҳуқуқий ҳимоялашни амалга оширувчи хизмат» сифатида таърифлар келтирилган [4; 101-б.]. Кўриниб турибдики, «патруль-пост хизмати»га берилган мазкур таъриф умумий хусусиятга эга бўлиб, унда хизматнинг фаолият йўналишлари, турлари ҳамда таркиби аниқ келтирилмаган.

Айрим юридик адабиётларда «патруль-пост хизмати» атамасини икки хил маънода қўллаш ҳоллари ҳам кўзга ташланади: биринчиси – жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминловчи ички ишлар органлари махсус нарядларининг фаолияти бўлса, иккинчиси – жамоат тартибини сақловчи техник воситалар, қисмлар ва бўлинмаларнинг мажмуаси [5; 239-б; 6]. Ҳуқуқшунос олим В.Л. Симонов эса «ушбу ҳар иккала келтирилган таъриф ҳам патруль-пост хизматининг моҳиятини тўлиқ очиқ беришга хизмат қилади», деб ҳисоблайди ва ушбу фикрни қўллаб қувватлайди [7; 6-б.].

Олиб борилган тадқиқотларда «патруль-пост хизмати»га оид турли таърифларга дуч келиш мумкин. Хусусан, А.Н. Бадмаев «Патруль-пост хизмати – бу жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пост ва патруль йўналишларида фаолият олиб боровчи ички ишлар органларининг махсус тайинланган нарядидир», дея таъриф беради [8; 12-б.]. М.В. Сергеев эса «Патруль-пост хизмати – бу ички ишлар органларининг махсус наряди бўлиб, ҳарбий хизматчилар ва бошқа махсус бўлинмалар билан ҳамкорликда бириктирилган ҳудудларда, транспорт объектлари ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлайди» [9; 133-б.] деган фикрни илгари суради.

Ушбу келтирилган таърифлардан кўриш мумкинки, патруль-пост хизматини ўтайдиган таркиб фақат ички ишлар органларининг махсус нарядлари билан чекланиб қолган. Ваҳоланки, ушбу хизматга мамлакатимиз ва хорижий давлатларда ҳам нафақат ички ишлар органларининг махсус нарядлари балки, ички ишлар органларининг бошқа таркибий тузилмалари ҳамда ҳарбий хизматчилар ҳам жалб қилиниши норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур тушунчага нисбатан мақсадга йўналтирилган таъриф берилган: «Патруль-пост хизмати – ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг кўчалар ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ белгилаб берилган ҳудудлар ва жойларда хизмат ўташи» [10]. Ўз навбатида мазкур таъриф ҳам назаримизда ушбу тушунча мазмун-моҳиятини тўлиқ ёритиб бераолмаган. Жумладан, унда келтирилганидек, патруль-пост хизматининг хизмат кўрсатиш қамрови кўчалар, жамоат жойлари ва аниқ белгилаб берилган

ҳудудлар, жойлар билан чекланмайди, масалан, улар бундан ташқари кўриқловга олинган маҳсулотларни темир йўл орқали манзилларига кузатиб бориш, йўловчи поездларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ҳам амалга оширади. Демак, патруль-пост хизмати нафақат ҳудуд ва жойларда, балки маълум транспорт воситаларида ҳамда унинг белгиланган маршрутларида ҳам фаолият олиб боради.

Юқорида келтирилган фикрлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, «патруль-пост хизмати» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: «Патруль-пост хизмати – ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳар қандай жиноий ва маъмурий тажовузлардан маъмурий-ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича кўчалар ва жамоат жойларида, кўриқловга олинган маҳсулотларни кузатиб боришда, йўловчи поездларда ҳамда белгилаб берилган бошқа жойларда хизмат ўташи».

Бевосита «патруль-пост хизмати саф бўлинмалари» хусусида сўз борар экан, улар ички ишлар органлари тизимида кўп қиррали хизмат бўлгани учун мамлакатда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш кўп жиҳатдан унинг фаолиятини тўғри ва аниқ ташкил қилишга боғлиқ. Улар, айниқса, шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг марказлари, кўчалари, истироҳат боғлари ва бошқа жамоат жойларида жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлашда муҳим роль ўйнайди [12; 7-8-б.]. Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш тизимида патруль-пост хизмати ходимларининг ўрни ва аҳамиятини ўрганган америкалик мутахассислар ушбу хизматни «полициянинг юраги, ядроси» сифатида эътироф этишади [13; 8-б.].

Дарҳақиқат, бугун республикамизнинг вилоят ва шаҳар марказлари, катта шаҳарларида, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар, маданият ва истироҳат боғлари, транспорт объектлари ва бошқа жамоат жойларида, шунингдек турли оммавий тадбирларини ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев «аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш – бугунги кунда энг муҳим вазифадир», дея таъкидлагани [14] ушбу хизматнинг жамиятдаги роли ва ўрни қай даражада муҳим эканлигини кўрсатади.

Бошқарув субъекти бажарадиган кўплаб вазифалар орасида унинг сифат даражасини белгиловчилари мавжуд [15; 43-б.] бўлганидек, юридик адабиётларда патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг асосий вазифалари кўчаларда, жамоат жойларида фуқаролар ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини

олиш, жиноятларни очишда қатнашиш, хусусий мулкни ҳар хил тажовузлардан ҳимоя қилиш, диний экстремизм, терроризм ва қўпоровчиликка қарши курашиш ҳисобланади, деб келтирилган [16; 117-б.].

Илмий-тадқиқотларда ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг вазифалари хусусида турли фикрлар илгари сурилган. Жумладан, рус олими М.В. Сергеев «ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари учун асосий вазифа – кўчалар ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашдир» [9; 133-б.] дейди. Америкалик олим Ч.Д. Хейл [17] ва патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг полиция органлари тизимидаги ролини ўрганган М.З. Зиёдуллаев уларнинг мақсади ва вазифалари жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, йўл ҳаракатини тартибга солиш ва назорат қилиш, яширинган жиноятчиларни қидиришда иштирок этиш, бошқа тармоқ хизматлари учун керакли маълумотларни тўплаш ҳамда турли фавқулодда вазиятларда фуқароларга ёрдам кўрсатишда намоён бўлишини таъкидлайдилар [18; 69-70-б.].

Ж.С. Мухторов ўз тадқиқотларида патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликларни, шу жумладан жиноятларни олдини олишдаги ўрнини [20; 25-б.], О.В. Десятова уларнинг замонавий шаҳарлар шароитида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларни ушлаб туришдаги ролини [21; 3001-б.], Д.В. Кураков эса маъмурий назоратни амалга оширишдаги аҳамиятини алоҳида эътироф этади [12; 8-б.].

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкинки, белгиланган йўналишларда хизмат олиб бораётган патруль-пост хизмати нарядларининг асосий вазифаси жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўлиб, шунга қарамай улар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши кураш ва уни фош этиш, мулкни қўриқлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, табиий ва техноген ҳусусиятдаги фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишда ҳам иштирок этадилар. Бу эса патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолияти кўп қиррали эканлигини кўрсатади.

Юқорида келтирилган фикрлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифалар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилидан келиб чиқиб, «патруль-пост хизмати саф бўлинмаси» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

«Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари – кўча ва жамоат жойларида, транспорт объектларида, қўриқловга олинган маҳсулотларни темир йўл орқали манзилларига кузатиб бориш ва йўловчи поездларда ҳамда бошқа белгиланган пост ва патруллик йўналишларида жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг

ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича қонун ҳужжатлари билан зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширадиган ички ишлар органларининг таркибий тузилмаларидир».

Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари тизимини ислоҳ қилиш жараёнида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Негаки, бошқарув механизми муваффақиятсиз бўлган ҳеч бир ички ишлар органлари самарали ишлай олмайди [22; 136-б.]. Шундай экан, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун уларда мавжуд кучларни уюштириш, фаолиятини тўғри ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш талаб этилади.

Ҳуқуқшунос Ю.Ю. Орлова тўғри таъкидлаганидек, бошқарув фаолиятининг мазмунини кўриб чиқиш унинг моҳиятини тушунишдан бошланиши керак [22; 33-б.]. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришнинг моҳияти – фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилувчи, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминловчи, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга оширувчи замонавий тузилмаларнинг шаклланишида намоён бўлади.

Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг куч ва воситаларини бошқариш – бу ички ишлар органлари бошлиқларининг кундалик ва мақсадга йўналтирилган фаолиятидир.

Мазкур фаолиятнинг *асосини* патруль-пост хизматининг куч ва воситаларидан самарали фойдаланиш ҳамда юклатиладиган вазифаларни бажаришга доимий шайлигини таъминлаш ташкил этади [23; 156-б.].

Ушбу соҳада олиб борилган илмий-тадқиқотларда ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича куч ва воситаларини бошқариш ўз ичига: кун давомида куч ва воситаларини жойлаштириш тақсимоти бўйича қарор қабул қилиш; уларнинг зиммасидаги вазифаларни бажариши учун йўл-йўриқ бериш орқали хизматга тайёрлаш; алоқа ва ахборот таъминотини ташкил этиш; ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш; нарядларнинг хизмат ўташларини назорат қилиш ва уларнинг иш натижаларини ҳисобга олиш кабиларни қамраб олиши кўрсатилган [11; 7-б.]. Бироқ, назаримизда, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича куч ва воситаларини бошқаришнинг асосини ташкил этувчи функциялар доираси булар билан чекланиб қолмайди. Чунки ушбу соҳадаги

бошқарув яна бир қатор функцияларни, хусусан режалаштириш, таҳлил қилиш ва баҳолаш кабиларни ҳам ўз ичига олади.

Полиция патруль хизматларининг фаолиятини тадқиқ этган АҚШлик олимлар М. Жакинга ва Д. Коди Гайнеснинг фикрича, «юқоридан пастга қараб бошқарув усули, марказий бошқарувнинг «паст»га йўналтирувчи қарорларини қабул қилишдан бошланади» [24]. Улар ушбу фикрлари билан патруль-пост хизмати бўлинмаларини бошқаришнинг дастлабки босқичини белгилашга ҳаракат қилишади. Фикримизча, мазкур фикрларга тўлиқ қўшилиб бўлмайди, негаки патруль-пост хизмати бўлинмаларини бошқаришнинг асосларини ташкил этувчи функциялар келтирилганидек, бошқарув қарорини қабул қилишдан бошланмайди. Негаки, бошқарув қарорининг қабул қилинишидан олдин, ушбу қарорга асос бўладиган криминоген вазият, жамоат тартиби ва хавфсизлиги, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар ҳолатини ифодаловчи шарт-шароитлар ҳамда омилларни таҳлил қилиш талаб этилади.

Ички ишлар органларипатруль-пост хизматларини бошқаришнинг функциялари рус олимлари С.М. Ковалёв ва А.Н. Афанасенколар томонидан нисбатан тўлиқроқ келтирилган, булар: тезкор вазиятларни таҳлил қилган ҳолда бошқарув қарорини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; вазифаларни бажариш учун куч ва воситаларни тайёрлаш ва йўриқнома бериш; нарядларни доимий ахборот билан таъминлаб туриш ва ўз вақтида улар билан ахборот алмашинувини амалга оширишини таъминлаш; патруль куч ва воситалари билан ўзаро манёврларни ташкил этиш; патруль-хизматини ташкил этиш ва вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш; патруль-пост иш натижаларини ҳисобга олиш ва уларни баҳолаш [19].

Назаримизда, юқоридаги олимлар томонидан келтирилган фикр ва мулоҳазаларда ички ишлар органларипатруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришнинг мазмун-моҳияти тўлиқ очиб берилмаган. Негаки, келтирилган фикрларда ички ишлар органларидаги бошқарувнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланган фаолиятни кадрлар билан таъминлаш ҳамда моддий-техник таъминлаш масалалари эътибордан четда қолган.

Муайян тизим, жумладан ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқариш кенг кўламли фаолият бўлиб, турли функция, шакл ва усуллар орқали таъминланади. Улар ўз мазмун-моҳиятига кўра патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқариш негизининг муайян асослари (фундаменти)ни ташкил этади. Фикримизча, уларни қуйидагича гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир:

- 1) бошқарувнинг ҳуқуқий асослари;
- 2) бошқарувнинг ташкилий-тактик ва методик асослари;
- 3) бошқарувнинг моддий-техник асослари;

- 4) бошқарувни рақамлаштириш;
- 5) маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш.

Демак, ички ишлар органлари *патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқариш* – ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ҳуқуқий, ташкилий-тактик ва методик, моддий-техникавий, рақамлаштириш ҳамда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш орқали амалга ошириладиган маъмурий фаолиятдир.

Ўйлаймизки, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг ҳуқуқий мақоми ва улар фаолиятининг моҳиятига доир билдирилган мулоҳазалар келгусида мазкур фаолиятини тартибга солувчи идоравий норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида ПФ-27-сон (2021 йил 29 ноябрь) фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.

2. *Байгажаков С.В.* Организация деятельности служб и подразделений полиции по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности [Электронный ресурс]: Учебник / Байгажаков С.В., Бецков А.В., Гордиенко В.В. – Электрон. текстовые данные. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – 463 с. // [Электрон манба]. – URL: <http://www.iprbookshop.ru/52049>. (мурожаат вақти: 19.10.2019).

3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси // https://n.ziyouz.com/books/uzbekiston_milliy_ensiklopediyasi/O'zbekiston%20Milliy%20Ensiklopediyasi%20-%20P%20harfi.pdf

4. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ф.Н. Шукуров ва бошқ.; генерал-лейтенант Б.А. Матлюбовнинг умумий таҳрири остида. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б. 414.

5. Административная деятельность полиции: Учебник / подред. Ю.Н. Демидова. –М., 2014. С. 527.

6. *Панасенко В.* Надзор за исполнением лесного законодательства // [Электрон манба]. – URL: <http://RuBooks.org>, 2017 (мурожаат вақти: 15.06.2019).

7. *Симонов В.Л.* Организация патрульно-постовой службы милиции по охране общественного порядка в крупных промышленных городах: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1996. – С.23.

8. *Бадмаев А.Н.* Основные направления деятельности милиции общественной безопасности: службы участковых уполномоченных милиции, патрульно-постовой службы милиции и дорожно-патрульной службы Государственной инспекции безопасности дорожного движения: Автореф. дис...канд. юрид. наук. – Челябинск., 2006. – С.23.

9. *Сергеев М.В.* Понятие патрульно-постовой службы полиции: история и современность // Юридическая наука и правоохранительная практика. – Тюмень., 2018. – № 1 (43). – С. 129-135.

10. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг Уставини тасдиқлаш ҳақида»ги 111-сон буйруғи.

11. *Степанов С.* Организация охраны общественного порядка на основе комплексного использования сил и средств органов внутренних дел: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург., 1995. – С.22. [Электрон манба]. – URL: [http:// lawtheses.com/organizatsiya-ohrany-obschestvennogo-poryadka-na-osnove-kompleksnogo-ispolzovaniya-sil-i-sredstv-organov-vnutrennih-del](http://lawtheses.com/organizatsiya-ohrany-obschestvennogo-poryadka-na-osnove-kompleksnogo-ispolzovaniya-sil-i-sredstv-organov-vnutrennih-del) (мурожаат вақти: 18.03.2020).

12. *Кураков Д.В.* Административный надзор в деятельности полиции: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2012. – С.20.

13. *Осипов Ю.И.* Организация патрульно-постовой службы местной полиции США // Учеб. пособие. – М., – 1990. – С. 73.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. [Электрон манба]. – URL: https://president.uz/uz/lists/view/1147?utm_source=uznet.press&utm_campaign=topic (мурожаат вақти: 25.10.2017).

15. *Лазерев Б.Н.* Компетенция органов управления // Юрид. лит. – М., 1972. – С. 280.

16. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш: Дарслик / И.Исмоилов, Ж.С. Мухторов, Ф.Н.Шукуров ва бошқ. Масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б. 483.

17. *Charles D. Hale*, Police Patrol, Operations and Management. // [Электрон манба]. – URL: <https://www.goodreads.com/book/show/3713266-police-patrol> (мурожаат вақти: 25.10.2019).

18. *Зиёдуллаев М.З.* Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш тизимлари: тарихи, бугуни ва хориж тажрибаси: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 73.

19. Ковалёв С.М., Афанасенко А.Н. Особенности тактики действий патрульно-постовых нарядов по предупреждению и пресечению нарушений совершаемых на объектах транспорта // «Научно-практический электронный журнал Аллея Науки» Alley-science.ru, 2017. – № 14. Alley-science.ru – https://alley-science.ru/domains_data/files/October1_7/osobennosti_foiz20taktiki_foizpdf.

20. Мухторов Ж.С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш: Юрид. фан. номз....дис. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. – Б. 178.

21. Десяткова О.В. Проблемные вопросы применения огнестрельного оружия подразделениями патрульно-публичной службы, осуществляющими охрану общественного порядка в современных условиях города // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – Тюмень, 2014. – С. 3001–3005.

22. Орлова Ю.Ю. Сущность и содержание управленческой деятельности в органах министерства внутренних дел российской федерации // Вестник Московского университета МВД России. – 2014. – № 3. – С.136-138.

23. Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 425.

24. Jacinta M. Gau and D. Cody Gaines. Top-Down Management and Patrol Officers' Attitudes About the Importance of Public Order Maintenance: A Research Note [Электрон манба]. – URL: // Attitudes_About_the_Importance_of_Public_Order_Maintenance_A_Research_Note (мурожаат вақти: 19.10.2019).